

Саҳиҳул Бухорийнинг муҳтасари / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 187-ҳадис

3436-187 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَمْ يَتَكَلَّمْ فِي الْمَهْدِ إِلَّا ثَلَاثَةُ: عِيسَى.

وَكَانَ فِي بَنِي إِسْرَائِيلَ رَجُلٌ يَقَالُ لَهُ: جُرَيْجُ، كَانَ يُصَلِّي، جَاءَتْهُ أُمُّهُ فَدَعَنَهُ، فَقَالَ: أُحِبُّهَا أَوْ أُصَلِّي؟ فَقَالَتِ اللَّهُمَّ: لَا تُمْتَهِنْ حَتَّى تُرِيهُ وُجُوهُ الْمُؤْمِنَاتِ.

وَكَانَ جُرَيْجُ فِي صَوْمَاعَتِهِ، فَتَعَرَّضَتْ لَهُ امْرَأَةٌ كَلَمَتُهُ فَأَبَى، فَأَتَتْ رَاعِيًّا، فَأَمْكَنَتْهُ مِنْ تَفْسِهَا، فَوَلَدَتْ عُلَامًَا، فَقَالَتْ: مِنْ جُرَيْجٍ، فَأَتَوْهُ فَكَسَرُوا صَوْمَاعَتَهُ وَأَنْزَلُوهُ وَسَبُوهُ، فَتَوَضَّأَ وَصَلَّى، ثُمَّ أَتَى الْعُلَامَ فَقَالَ: مَنْ أَبُوكَ يَا عُلَامُ؟ قَالَ: الرَّاعِي، قَالُوا: تَبْنِي صَوْمَاعَتَكَ مِنْ ذَهَبٍ؟ قَالَ: لَا، إِلَّا مِنْ طِينٍ.

وَكَانَتِ امْرَأَةٌ تُرْضِعُ ابْنًا لَهَا مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ، فَمَرَّ بِهَا رَجُلٌ رَاكِبٌ دُو شَارِهٍ، فَقَالَتِ اللَّهُمَّ: اجْعَلْ ابْنِي مِثْلَهُ، فَتَرَكَ ثَدِيهَا وَأَقْبَلَ عَلَى الرَّاكِبِ، فَقَالَ: اللَّهُمَّ: لَا تَجْعَلْنِي مِثْلَهُ، ثُمَّ أَقْبَلَ عَلَى ثَدِيهَا يَمْصُهُ - قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ: كَأَيِّ أَنْظُرُ إِلَى النَّبِيِّ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَمْصُ إِصْبَعَهُ - ثُمَّ مُرَّ بِأَمَّةٍ، فَقَالَتِ اللَّهُمَّ: لَا تَجْعَلِ ابْنِي مِثْلَهُ، فَتَرَكَ ثَدِيهَا فَقَالَ: اللَّهُمَّ: اجْعَلْنِي مِثْلَهَا.

فَقَالَتْ لَهُ: لَمْ ذَلِكَ؟ فَقَالَ: الرَّاكِبُ جَبَّارٌ مِنَ الْجَبَابِرَةِ، وَهَذِهِ الْأَمَّةُ يَقُولُونَ: سَرَقْتُ، زَرَتْ، وَلَمْ تَفْعَلْ.

187- 3436. Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Бешикда фақат уч киши гапирган:

Ийсо;

Бану Исроилда Журайж деган киши бор эди. У намоз ўқиётган эди, онаси келиб қолиб, уни чақирди. У унга жавоб берсаммикан ёки намоз ўқийверсаммикан, деб қолди. Шунда онаси: «Аллоҳим! Унга фоҳишаларнинг юзини кўрсатмагуningча ўлдирма», деди. Журайж ўз узлатгоҳида эди. Бир аёл унга рӯбарӯ келиб, гап отган эди, (Журайж) кўнмади. Шунда аёл бир чўпоннинг олдига бориб, унга ўзини топширди ва бир бола туғиб, «Бу Журайждан бўлган», деди. Шунда унинг олдига келиб, узлатгоҳини бузиб ташлашди, ўзини тушириб юборишида ва ҳақоратлашди. Шунда у таҳорат олиб, намоз ўқиди. Сўнгра боланинг олдига келиб: «Отанг ким, эй бола?» деди. У: «Чўпон», деди. (Шундан кейин) одамлар: «Узлатгоҳингни олтиндан қуриб берамиз», дейишиди. У: «Йўқ, фақат лойдан (курасиз)», деди;

Бану Исроиллик бир аёл ўғлини эмизаётган эди, унинг олдидан бир кўркам отлиқ киши ўтиб қолди. Аёл: «Аллоҳим, ўғлимни шунга ўхшатгин», деди. Шунда бола унинг кўкрагини ташлаб, отлиқقا бурилди-да: «Аллоҳим, мени унга ўхшатиб қўймагин», деди. Сўнг яна (онасининг) кўкрагига бурилиб, уни сўра бошлади. - Абу Хурайра: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз бармоқларини сўраётганларини кўриб тургандекман ҳамон кўз ўнгимда», деди. - Кейин бир чўри олиб ўтилди. Аёл: «Аллоҳим, ўғлимни мана шунга ўхшатиб қўймагин», деди. Шунда бола унинг кўкрагини ташлади-да: «Аллоҳим, мени шунга ўхшатгин», деди. Шунда аёл: «Нима учун?» деди. (Бола): «Отлиқ зўравонлардан бири эди. Мана бу чўрига эса: «Ўғрилик қилгансан, зино қилгансан», дейишияпти, бироқ у бундай қилмаган», деди».

Манба: hadis.islom.uz



